



## ЗАМОНАВИЙ ДАРИЙ ҲИКОЯЧИЛИГИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

**КАБИРОВА НАРГИЗА**

PhD, ТДШУ

**Аннотация.** Мазкур мақолада 40-50-йилларда ижодини бошлаган адаблар қаторига 60-йилларга келиб ўнлаб ёш ва истеъдодли ёзувчиларнинг қўшилиши натижасида, Афғон адабиётининг мазмун-моҳияти ижтимоий, ҳатто сиёсий мавзулар, қарашлар ҳисобига сезиларли даражада кенгайиб, ривож топиб бориши очиқ берилди.

**Таянч сўз ва иборалар:** анъанавий тасвир, услуб, қаҳрамонлар қиёфаси, характер, реалистик тасвир, афғон ҳикоячилиги, рамз, сюжет.

**Аннотация.** В данной статье показано, что в результате добавления десятков молодых и талантливых писателей в ряды писателей, начавших свою карьеру в 1940-1950-х годах, содержание афганской литературы значительно расширилось и развилось за счет социальных и даже политических проблем.

**Опорные слова и выражения:** традиционный образ, стиль, образ героев, персонаж, реалистический образ, афганское повествование, символ, сюжет.

**Abstract.** This article shows that as a result of the addition of dozens of young and talented writers to the ranks of writers who began their careers in the 1940s and 1950s, the content of Afghan literature has significantly expanded and developed at the expense of social and even political issues.


**Keywords and expressions:** traditional image, style, image of heroes, character, realistic image, Afghan story, symbol, plot.

Бадий асарнинг поэтик хусусияти албатта унинг бадийлик мезонлари билан ўлчанади. Насрнинг ихчам жанри ҳикоя поэтикаси хусусида адабиётшунос Х.Дўстмуҳаммад шундай муносабат билдиради: «Мавзу, сюжет, конфликт, қаҳрамон, тил, оҳанг, услуб, деталь, кульминация, ечим... буларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш орқали ҳикоя санъати, поэтикаси ҳақида марокли мулоҳазалар билдириш, умумлашма хулосалар чиқариш мумкин. Чунки мазкур соф адабий-бадий унсурларнинг бари бадий тафаккур ходисалари, ижодкор бадий тафаккурининг «хомашёлари», ҳосилалари ҳисобланади.»<sup>1</sup>

Ҳақиқатан ҳам насрда поэтика масаласи бадийликнинг кўп қирраларини ўз ичига олади. Булар мавзу танлашдан бошлаб то бадий тафаккурнинг энг майда жиҳатларигача бўлган ижод маҳсулини қамраб олади. Мавзу, сюжет ва композиция бадий асар поэтикасини ўрганишда айнан ёзувчи асарларида бўртиб турган муҳим масалаларни тадқиқ этишга қаратилади. Ҳар бир тадқиқотчи ўзи ўрганаётган объектидан келиб чиққан ҳолда поэтиканинг маълум бир қисмини назарий асослайди.

Ҳикоя жаҳон халқлари бадий тафаккури тарихидан то бугунгача изчиллик билан шаклланиб, босқичма-босқич ривожланаётган фаол насрий жанр ҳисобланади. Унинг қадимги ва Ўрта асрлардаги илк намуналарини диний ва мифологик асарларда, халқ оғзаки ижодиётида, кейинчалик мумтоз адабиётда шаклланган насрий ҳикоятлар, қиссалар, сафар-номалар, дostonлар, тарихий ёдномалар каби кўринишда бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳикоячиликнинг фольклор орқали шаклланиш жараёни ҳақида жаҳон адабиёти тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, Афғонистоннинг дарий тили қатори давлат

<sup>1</sup> Дўстмуҳаммад Х. Ҳикоянинг такомил йўли // Сарчашма мавжлари (мақолалар). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Ижод» жамоат фонди. –Т.: «MASHHUR-PRESS». 2016. –Б.168.



Замонавий Афғонистон дарийзабон адабиётининг шаклланишида яна бир муҳим омил кузатиладики, буни профессор Р.Иномхўжаев шундай таъкидлайди: «Ҳозирги замон дарийзабон прозанинг вужудга келишига асос бўлган яна бир муҳим манба форсий тилда яратилган кенг қамровли, бой мазмунли ёзма адабиётдир. Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Муҳаммад Авфий Бухорийнинг «Жомеъ ул-ҳикоёт», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Анворе Суҳайлий», Зайниддин Восифийнинг «Бадойеъ ул-вақоиеъ» асарлари ҳам ҳозирги замон дарийзабон бадиий проза тараққиёти тамал тошларидан бири бўлгани шубҳасиздир.»<sup>4</sup>

Дарийзабон насрининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган учинчи омил Фарб бадий адабиётидан дарий тилига қилинган таржималар бўлди. Умуман Фарб адабиёти, хусусан: Франция ва Туркияда яратилган насрий асарлар, шу жумладан замонавий ҳикоячиликнинг XIX-XX асрлар бўсағасида Шарқ халқлари адабиётига таъсири катта бўлган. Маҳмуд Тарзийнинг бу соҳадаги хизматлари бекиёс эди. У турк адабиётидаги янгиланишларни синчиклаб кузатди ва Туркия сафаридан қайтгач, замонавий Афғонистон дарий адабиётига бир қатор янгиликларни олиб киришга интилди ва у бунга эришади ҳам. Адиб ёш афғон ёзувчилар мактабини ташкил этиб, у ерда янгича ғоялар ва жанр хусусиятларидаги янгича талқинларни бўлажак ёзувчиларга ўргатади. Ёш ҳикоянависларнинг онгига Европа мамлакатлари, Туркия ва Эрон матбуотида кенг тарқалган мавзулардан андоза олиш кераклигини сингдиради. Мана шунинг учун ҳам бугунги афғон насрининг отаси Маҳмуд Тарзий бўлиб қолди<sup>5</sup>.

<sup>4</sup> Ёша китоб. –Б.81.

<sup>5</sup> ادبیات معاصر زبان فارسی دری در افغانستان // ادبیات معاصر دری در افغانستان، دهلی، (هند) ۱۹۹۴ ص، ۱۶-۲۰.

Умуман олганда, айнан Маҳмуд Тарзий Ғарб адабиётининг таъсири масаласи, аввало, ўзининг ҳикоячилик ҳақидаги назарий фикрлари, асарлари ва таржималари билан дарий адабиётида янги фаслни очиб бергани ҳақиқатдир. Тарзий ўз мақолалари билан янги адабий услуб ва хусусиятларини шарҳлашга саъй-ҳаракат қилди, чунки у Ғарб адабиётида баён услуби кўпроқ янги вазият ва ҳолатга мутаносиблигига ишонарди ва унинг янги оммавий воситаси - қисқа ҳикоя, роман, қисса каби Ғарб адабиётининг янги жанрлари билан таништиришга ҳаракат қилди. М.Тарзийнинг «Сирож-ул-ахбор» газетасида босилиб чиққан «Ҳозирги замон адабиётида насрий жанрларнинг ривожланиши» номли мақоласи энди майдонга кириб келаётган адибларга очерк, дидактик мақола ва бадиий ҳикоялар ёзишга даъвати бўлиб, бу мақоланинг янги адабиётни вужудга келишига катта таъсири бўлди.<sup>1</sup> У ўзи асос солган «Сирож-ул-ахбор» газетасида 1911 йил Туркия ва Европа адабиёти асарларининг таржималарини чоп этиш орқали янги ҳикоянавислик ва унинг жаҳон адабиётида тутган ўрни билан таништирган биринчи шахс эди. «Сирож-ул-ахбор»нинг биринчи сониди ҳикоянинг аҳамияти масаласи, жумладан француз ёзувчиси Ксавье де Монте Пенания (1823-1902)<sup>2</sup>нинг «Париж фожеалари» ҳикояси таржимасини чоп этди. Тарзийнинг туркий ва Жорж Оруэлл асари ҳамда Жюль Верннинг тўртта асари таржималаридан ташқари Р.Фарҳодий, С.Риштиё, М.Салжуқий ва Ҳ.Латифийлар томонидан Ғарб адабиётидан амалга оширилган бошқа ҳикоялар ва пьесаларнинг таржималари ҳам ёзувчиларнинг бу янги адабий жанр билан таништириш учун йўл очилишида хизмат қилди. Булардан ташқари прогрессив дунёқарашга эга бўлган зиёлиларнинг сарой амалдорлари ва мустамлакачилар зулмига қарши оёққа туриш даври бўлиб, уларнинг «Сирож-ул-ахбор» атрофида йиғилиши кўзга ташланади.

Амир Амонуллохон ҳукумати даврида Афғонистон мустақиллиги эълон қилинганда, (1919-1929) жамиятни ғарбийлаштириш сиёсатига рози бўлган ёзувчиларнинг бир гуруҳи Ғарб асарлари, айниқса француз романтик асарлари таржимасини янада ривожлантирдилар.<sup>3</sup> Таржималар ва сиёсий, ижтимоий ва маданий-ўзгаришлар афғон адабиётига ўз таъсирини кўрсатди. Янги турмуш тарзи ва ҳаракатлар баёни учун янги адабий қолип ва шаклларга бўлган эҳтиёж унинг яқин вақт ичида амалга оширилиши лозимлиги сезила бошланди. Аммо мана шу эҳтиёжни амалга ошириш учун бир гуруҳ ёзувчилар, ҳикоянависларга бу шакллардан унумлироқ ва тўғри фойдаланиш учун вақт керак эди. Янги афғон ҳикоянавислигининг адабий ўтиш даври бўлган бу биринчи босқичи, юқорида таъкидлаганимиздек, мумтоз форс ҳикоя ва афсона анъаналари ҳамда Ғарб адабиёти тажрибаси қоришмасидан иборат эди.<sup>4</sup>

Дарий насрининг бу даврида майдонга келган ҳикоялари ҳали ҳамон композицион қурилиши жиҳатидан ҳикоя жанри талаблари даражасида мукаммал эмас эди. Улар қисса ва ҳикоя жанри орасидаги бир оралиқ шаклда ижод этилган бўлиб, анъанавий оғзаки ва ёзма адабий манба унсурларидан тўлалигича холи бўлгани йўқ эди. Шунга қарамасдан, 20-30 йиллар орасида Афғонистон дарий адабиётида ҳикоячилик томон муҳим қадамлар ташланганини эътироф этиш жоиз. Шулар жумласига дарий тилидаги илк ҳикояларни яратишга уриниш кузатилади. Афғон олими Фарид Бежанднинг тадқиқотларига кўра, айнан шу йиллари, тўғрироғи 20-25 йиллар орасида Муҳаммад Ҳусайн Жаландҳарнинг тарихий мавзудаги катта ҳажмли *جهاد* «

<sup>1</sup> Асоев Х. Формирование жанровые системы в прозе Афганистана на языке дари. – Душанбе: Донеш, 1988. – С. 13.

<sup>2</sup> Ўша китоб. – С. 14.

<sup>3</sup> دانشنامه ادب فارسی. ص ۳۸۲.

<sup>4</sup> Ўша китоб. – Б.182.



«تصویر عبرت یا بی بی حوری Афандийнинг «Буюк җиход» акир»

«Ибрат тасвири ёки Биби Ҳурийжон» ва Муртазо Аҳмад Муҳаммадзайнинг дастлаб инглиз тилида ёзилиб, сўнг дарийга таржима этилган «جشن استقلال بالویا» («Боливияда мустақиллик байрами») номли ҳикоялари яратилди.<sup>1</sup> Жумладан, «Акбар җиходи»<sup>2</sup> ҳикоясида инглизлар билан бўлган кескин жанг ҳақида ёзилган бўлиб, унинг мазмуни афғон халқининг инглизларга қарши ватан озодлиги учун олиб борган жангларида иборат. Ҳикоянинг асосий қаҳрамони амир Акбархондир. Бу ҳикоя ҳаёлот ва тарих қоришмасидир. Иккинчи ҳикоя «Ибрат тасвири»<sup>3</sup> да марказий персонаж Бибиҳурижон исмли бир аёл бўлиб, у мамлакатнинг шимолий қисмидаги ҳукмдорлардан бирининг иккинчи аёли бўлган, бири Ҳурижон ва бошқаси Дохтаржон. Сардор навбатма-навбат улар ёнида қолар эди. Аёллар табиатан бир-бирларидан нафратланишар эди. Бибиҳурижон иккинчи ўғлини дунёга келтираётганида ҳикоя айна шу кесимдан ҳақиқий босқичга ўтади ва вафот этган эрнинг рафиқаси ҳисобланмиш қари ва касал бўлган, Ҳиндистондан Ҳажга кетаётган ва ўша ерда жон берган Бибиҳурижоннинг ўлимигача давом этади.

20-йилларнинг охирида нашр этилган маърифатпарварлик ва ижтимоий руҳдаги яна иккита диққатга сазовор асарларни ҳам эслатиб ўтиш жоиздир. Улардан бири ҳозиргача нашр этиб келинаётган машҳур «Анис» («Дўст») газетасининг асосчиси Муҳиддин Аниснинг «حقوق ملت یا ندای طلبه معارف» («Миллат ҳуқуқи ёки маърифат талабалари нидоси») номли ҳикоялар тўплами бўлса, иккинчиси Ҳиндистонда дарий тилида нашр этилган Султон Муҳаммад Лавгарийнинг «حيات حقیقی یا ارتقای ملی» («Ҳақиқий ҳаёт ёки миллий юксалиш») номли ҳикоясидир. Муҳиддин Аниснинг бу тўплами замонавий дарий ҳикоячилигидаги энг биринчи мажмуа ҳисобланади.<sup>4</sup>

Афғонистон адабиётида замонавий адабиётнинг вужудга келиш жараёни одатда иккита муҳим даврга бўлиб ўрганилади.<sup>5</sup> Биринчи давр мамлакатда ташкил топган тараққийпарвар кучларнинг «افغانان جوان» («Ёш афғонлар»), иккинчи давр эса «ویش زلمیان» («Бедор ёшлар») деб ном олган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаракатлар таъсирида замонавий адабиётнинг ривожланиш жараёнларидир. «Афғононе жавон» даври XX асрнинг иккинчи ўн йиллиги бошидан 1929 йилгача бўлган даврни қамраб олган. Насрий ижод сезиларли ўзгаришларни бошидан кечирди, фикрлар янгиланди, Ғарб таъсирида янги тасаввурлар пайдо бўлди, бу эса афғон дарий насрини янги изланишлар сари етаклади.

30-йилларнинг Афғонистон адабиёти, маданий ҳаётидан энг муҳим воқеалардан бири Кобулда (1931), Ҳиротда (1932), Қандаҳорда (1933) ташкил топган адабий анжуманларнинг ва уларнинг нашрий органлари «Кобул», «Пушту» журналларининг чоп этилиши адабиётнинг ривожига ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Ушбу нашрларда ва «Анис», «Ислоҳ» каби замонасининг обрўли рўзномаларида вақти-вақти билан мамлакат ёзувчиларининг турли жанрдаги асарлари, роман, қисса ва ҳикояларидан намуналар босила бошланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, 30-йиллар дарий ҳикоянавислиги тарихи ҳозиргача етарли ўрганилмаган ва ўша кезларда ёзилган ҳикояларнинг тўлиқ тўплаб чоп этилмаганлиги адабиётшунослар олдида Афғонистон дарийзабон адабиёти тарихини битишда қатор муаммо

<sup>1</sup> نخستین داستانهای معاصر دری، تدوین: قرید بیژند، کابل، ۱۳۶۷. ص. ۱۲۶-۱.

<sup>2</sup> Ўша асар, 1-70.бетлар.

<sup>3</sup> Ўша асар, 93-126.бетлар.

<sup>4</sup> Ўша китоб. –Б.43.

<sup>5</sup> Герасимова А., Гирс Г. Литература Афганистана. –М.: ИВЛ, 1963.

ва қийинчиликларни юзага чиқармоқда. Бир қатор тадқиқотчиларнинг (масалан, Ф.Бежанд, Х.Асоев) маълумотларига асосланиб шуни айтиш мумкинки, 30-йиллар дарий насрида йирик ҳажм ва полотнодаги бир неча роман ва повесть(қисса)лар ёзилди. Булар Муҳаммад Иброҳим Оламшоҳийнинг «شب تاریک صبح روشن» («Қоронғу тун, ёруғ кун»), Сулаймон Али Жоғурийнинг «بیگم» («Бегим»), Гулмуҳаммад Жвандайнинг «فیروز» («Феруз»), Жалолиддин Хушнавоининг «خنجر» («Ханжар»), Мир Аминиддин Ансорийнинг «در جستجوی کیمیا» («Кимё излаб»), Ҳасан Ғаминнинг «مرگ دردم شفق یا وفای زن» («Шафақ пайтидаги ўлим ёки аёлнинг вафоси»), Абдуллатиф Ориённинг «جوانان مکتب» («Мактаб ёшлари»), Латифийнинг «خابگاه شهید» («Шаҳид ётоқхонаси») каби роман ва повестлардир. Булар асосан романтик йўсиндаги ишқий-маиший ва ижтимоий мазмунда эди.<sup>1</sup>

30-йиллар ҳикоянавислиги ҳақида гап кетганда бу масалага тегишли кузатишлар ва манбаларга асосланиб яна шуни таъкидлаш жоизки, бу даврда ҳикоя жанри нисбатан кам ривожланган эди. Тўғрироғи, етиб келган манбалар бу даврга тегишли бир неча ҳикояларнигина қайд қиладилар. Булар жумласига айнан шу даврда ёзилган Азизулрахмон Зариф Фатҳий, Мирсиддиқий ва Мухлисзодаларнинг «صحنات حیات یا رومان کوچک» («Ҳаёт саҳнаси ё кичик роман»), «قبل از پانزده سال» («Ўн беш йил муқаддам»), «دور» («Давр») каби ҳикоялардир.<sup>2</sup>

Умуман олганда 30-йиллар дарий насрчилигида ҳикоянинг ўрни ҳақида алоҳида тадқиқот олиб борилса, улар ҳақида кўпроқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин бўларди.

«Виш залмиён»<sup>3</sup> даври ХХ асрнинг 40-йиллар охири 50-йилларнинг ўрталарини ўз ичига қамраб олади. Дастлаб, шу йиллар орасида ёзилган ҳикоялар композиция, сюжет, ифода шакли жиҳатидан етук ҳикоялар талабларига тўла жавоб беради, дейишга ҳали эрта эди. Аммо бу даврда роман ва повестлардан кўра кўпроқ кичик ҳажмдаги ҳикоялар ижод қилишга қизиқиш кучайганлигини кузатамиз. 40-йиллар ҳикоянавислигида, сюжет, композиция, воқеа ва қаҳрамонларни тасвирлашда янги изланишлар, Ғарб, рус адабиёти тажрибаларини сингдиришга ҳаракатлар сезилса-да, лекин баён ва тасвирда публицистик бўёқларнинг бўртиб туриши кузатилади. Бу даврнинг қатор ҳикояларида фольклор адабиётидан олинган мавзу ва образлар ҳам кўзга ташланади. Умуман бу каби ёзувчилар фольклор ҳикояларини тўплаш ва қайта ишлаб нашр этишга ҳам киришдилар. Таниқли ёзувчи ва жамият арбоби Абдурахмон Пажвок «ادبیات مردم» («Халқ афсоналари») (1953), Муҳаммад Шафақ Виждон «افسانهای قدیم شهر کابل» («Қобул шаҳрининг қадимги афсоналари»), йирик олим ва ёзувчи Абдулаҳмад Жовид «اوسانه سی سانه» («Ўттиз эртақ») каби халқ ҳикоят ва ривоятларидан иборат бўлган тўпламларни нашр этдилар. Айнан шу йилларда ёзилган учта ҳикоялар тўпламининг нашр этилиши 40-йилларнинг охири 50-йиллар дарий ҳикоячилигининг яхши намуналари бўлди. Биринчи тўплам «پایمونه»<sup>4</sup> («Паймона») номи билан гарчи 1963

<sup>1</sup> Қаранг: ۱۳۰-۱۳۱. ص. ۱۹۹۴. دهلی، افغانستان. // ادبیات معاصر دری افغانستان. Асоев Х. Развитие жанров в прозе на дари. – Душанбе, «Ирфон», 1987. – С.16.

<sup>2</sup> ۱۳۶۲. فرید بیژند. هفتاد سال داستان پردازی نوی // ادبیات معاصر دری افغانستان. دهلی، ۱۹۹۴. ص. ۱۳۵.

<sup>3</sup> Афғонистон Фанлар академиясининг академиги Муҳаммад Сиддиқ Рухий «Виш залмиён» ҳаракатини сиёсий ташкилот деб атайдиган. Жумладан, у ёзади: Афғонистон уйғониш даври адабиёти кўп жиҳатдан «Виш залмиён» сиёсий кўтарилиш билан боғлиқдир. Шу даврда пушту тилида ижод қилувчи деярли барча ёзувчи ва шоирлар «Виш залмиён» сиёсий ташкилотининг (سازمان) аъзоси эдилар ва шунинг учун ҳам бу уйғониш даврининг аксарият шеърлари ва насрий асарлари ижтимоий–Сиёсий рангга эга эди.

Қаранг: محمد صدیق، دپینتو ادبیاتو تاریخ، پېښور دانش کتابتون، ۱۹۹۹ ع، ۴۸۶. روھی

<sup>4</sup> پیمانہ، مجموعه داستانها، به اهتمام محمد موسی، کابل. ۱۳۴۲.



йилда нашр этилган бўлса-да, тўпламга кирган ҳамда кирмаган қатор қуйидаги ҳикоялар айнан 40-йилларнинг охири 50-йилларда ёзилган эди. Булар Абдурахмон Пажвокнинг «*دختر*» («*Шехзаде буст*»), «*کوی*» («*Кўчманчи қиз*»), «*رودبا و زال*» («*Радабо ва Зол*»), «*وظیفه*» («*Топширик*»), «*او شاش*» («*Бўст шаҳзодаси*»), Нажибулло Турваёновнинг «*مرگ محمود*» («*Маҳмуднинг ўлими*»), «*پسر رویگر*» («*Ушош*»), «*گذشته من*» («*Менинг ўтмишим*»), Саид Қосим Риштиёновнинг «*یک شب زمستان*» («*Қишнинг бир туни*»), «*برف میبارید*» («*Қор ёғарди*»), Шафи Раҳгузарнинг «*مردی دروغ میگفت*» («*Ёлғон гапирган киши*»), Мойил Ҳеравийнинг «*لینان*» («*Литон*»), Мирсиддиқийнинг «*دورا*» («*Зинапоя*») кабиларидир. Иккинчи ҳикоялар тўплами таниқли ёзувчи, ватанпарварлик масалаларини кўтарган қатор тарихий повесть ва ҳикоялар муаллифи Гулом Ғавс Ҳайбарий қаламига тегишли бўлиб, тўпламда ёзувчининг энг сара 20 та ҳикоялари, шу жумладан унинг 50-йилларда ёзилган ва адабий доираларда оғизга тушган «*گلہای خونین*» («*Қонли лахталар*»), «*دستهای بریده*» («*Кесилган қўллар*»), «*مادران قهرمان*» («*Қаҳрамон оналар*»), «*جنگجویان خرد سال*» («*Кичик жангчилар*»)дир. Учинчи диққатга сазовор ҳикоялар тўплами «*قطرات اشک*» («*Ёш қатралари*») Абдулҳасан Тавфиқнинг қаламига мансубдир. Тўпламдаги аксарият ҳикоялар маиший мавзуда бўлиб, қоқоқ урф-одатларни танқид қилиш атрофидадир. Шунингдек, Али Аҳмад Наимий, Сулаймон Али Жоғурий, Гул Муҳаммад Жвандай кабилар ушбу даврнинг кўзга кўринган ҳикоянавислари ҳисобланадилар.<sup>1</sup>

50-йилларнинг бу ҳикоянавислари бошида Пажвок, Турваёно, Раҳгузар, Аҳмад Нимийлар турарди. Бу ёзувчиларнинг ҳикояларида ижтимоий, баъзан сиёсий масалалар, жамиятда ҳамон ҳукм сураётган қоқоқ ёки бюрократик иллатлар, мансабпарастлик, амалдорларнинг халқ ишига бефарқлиги мавзуларини қаламга олинган эди. Ҳатто халқ оғзаки ижодидан олинган мавзуларда ёзилган ҳикояларда ҳам халқ афсоналари мавзуси орқали оддий ишчилар ҳаёти ва куннинг муҳим ижтимоий масалалари кўтарилган эди. Таниқли ёзувчи «*Ҳикоялар ва афсоналар*» тўпламининг муаллифи Абдуғафур Брешно ҳикояларида ҳаёт икир-чикирлари, адолат ва эзгулик мавзулари яққол кўзга ташланади.

Маълумки, 1963 йили ўзининг қаттиққўллиги билан ном қозонган, мамлакатдаги тараққийпарвар кучлар қатламига катта босим ўтказиб келаётган Бош вазир Муҳаммад Довудхон ўз вазифасидан четлатилади. Мамлакатда тараққийпарвар кучларнинг, зиёлиларнинг фаолияти бирмунча жонланади, бир неча сиёсий ва жамоа ташкилотлари ташкил топади. «*Виш залмиён*» ғоялари тарафдорларининг қайта уйғониши, уларнинг маданий, ижтимоий ҳаётда фаоллашуви кузатилади. Бу жараёнда 40-50 йиллар адабиётга кириб келган бир гуруҳ адиблар қаторига ўнлаб ёш, истеъдодли ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар ҳам қўшиладилар. Адабиётнинг мазмуни ижтимоий, ҳатто сиёсий мавзулар, қарашлар ҳисобига сезиларли даражада кенгайиб, ривож топиб боради. Энг муҳими, 60-йиллар насрчилигида ҳикоянависликнинг ривожланиши тенденцияси кучайди ва аста-секин ҳикоя дарий адабиётининг етакчи жанри ўрнини эгаллай бошлади.

Бу ўзгаришлар «*Виш залмиён*» даври анъанавий ҳикояларнинг ижтимоий мазмун, халқ ҳаётига изчил кириб бориш тенденциялари ҳисобига ўзгаришига катта туртки бўлди. Ушбу давр анъанавий тасвир услубидан силжиш, қаҳрамонлар қиёфаси, характери шакллантиришда реалистик тасвирлаш усуллари томон ўтиш даври ҳисобланади. Уларда маърифатпарварлик ва романтизм адабиётининг таъсири сезилиб туриши билан бир қаторда, реалистик унсурларнинг пайдо бўлиши, тасвир ва ифодада реалистик талқиннинг етакчи мавқени эгаллай бошлаши ҳам жанрдаги муҳим ўзгаришлардан биридир. Шу ўринда дарий насрчи-

<sup>1</sup> Қаранг: دانشنامه ادب فارسی، ص – ۳۸۴.



лигининг ютуғи сифатида афғон дарийзабон ёзувчиларининг эллик йил мобайнидаги ижодини самараси ўларок, бу тилда 16 та қисса, 10 та роман ва 12 та ҳикоялар тўплами нашр этилганининг гувоҳи бўлдик. Булар қаторига вақтли нашрларда чоп этилган жуда кўп прозаик асарлар ҳам қўшилса уларнинг сони янада салмоқли бўлиши мумкин.<sup>1</sup>

XX асрнинг 60-йиллари, дарҳақиқат, Афғонистон дарий насри, хусусан, ҳикоячилик учун муҳим босқич бўлди. Бунда фақат бадиий мазмун ва шакл янгиланишлари эмас, балки ижтимоий воқеаларга объектив муносабат, танқидий нуқтаи назарнинг фаоллашуви муҳим аҳамият касб этди. Афғонистон дарий адабиётида реализмга хос чизгиларнинг пайдо бўлиши, маълум маънода ёзувчиларда теварак-атрофдаги замонавий ҳаёт воқелигини борица бадиий тасвирлаш истаги туғила бошлаганидан далолат беради. Бу давр ҳикояларида қаҳрамонлар ҳаёти шунчаки баён этилмайди, фақат мароқли, қизиқарли воқеаларгина сюжет доирасига тортилмайди. Балки, характерларнинг психологик талқини, ҳикоя ички композициясидаги коллизия ҳолатлар тасвири, тугун ва ечимдаги реалистик пафоснинг тобора кучайиб бораётганлиги 60-80-йиллар ҳикояларининг ўзига хослигини кўрсатади.

Шу даврдаги замонавий дарий насрида жамият ичидаги муаммоларни таҳлил қилиш чуқурлашгани, шахснинг ўраб турган муҳит билан ўзаро алоқаси кўрсатила бошланганини, асосийси муҳит ва шахс, инсонлар қарама-қаршилиги муносабатлари тасвирланганини кузатамиз. Жумладан, 60-йиллар ва ундан кейинги ўн йилликлар ҳикоячилигида яна шундай хусусият кузатиладики, асар ечими кутилмаган воқеа ва ҳолатлар тасвири билан якунланади. Қолаверса, ички коллизиялар, ижтимоий, фалсафий, баъзан соф маиший-психологик диалоглар ҳикоя жозибасини янада оширди. Ҳикоянинг бадиий концепцияси баъзи асарларда муаллиф, баъзиларида қаҳрамон, баъзан эса ҳикоянавис нутқи воситасида бадиий баён этилди.

XX асрнинг 60-70-йиллардан эътиборан ушбу адабиётнинг насрий жанрлари, жумладан, ҳикоячиликда жиддий ривожланиш кўзга ташланади. Бу биринчи навбатда, ёзувчилар томонидан жамият муаммоларини ҳаққоний кўрсатиб бериш ва унда ёрқин, кенг кўламли қиёфалар, қаҳрамонлар образини яратишда, турли жанрий шакллар ва бадиий услублардан фойдаланиш, изланишлар кузатилди. Бу давр адабиёти жамиятдаги айрим муаммоларни, тартибсизликларни, тенгсизлик ва зўравонлик дунёсини бадиий тасвирлашда муваффақият қозонди. Айнан Акрам Усмон, Асадулла Ҳабиб, Карим Мисок, Раҳнавард Зарёб каби ёзувчиларнинг ижодида жамият ҳаётининг турли ижобий ва мураккаб кўринишлари, муаммоларини қаламга олишга изчил ҳаракат ва уринишлар сезилади.

60-йиллар дарий насрчилигида кўзга кўрина бошлаган ва кейинчалик пешқадам ёзувчилардан бирига айланган адиб **Асадулла Ҳабиб** эди. Адабиётшунос Фарид Бежанд тўғри таъкидлаганидек: «Агар бу давр ҳикоянависларининг ҳақиқий сиймосини аниқлаштирадиган бўлсак, бу Асадулла Ҳабиб ҳисобланади.»<sup>2</sup> Бу ёзувчи йирик адабиётшунос олим ҳам эди. У насрда «Оқбадан», «Уч қарол», «Телба», «Дехқонлар», «Пул учун», «Тоғ садолари», «Сўнгги орзу» ва бошқа ҳикоялари билан кенг танилган. Унинг ёзувчи бўлиб шаклланишида А.П.Чехов, Л.Н.Толстой, Ф.М.Достоевский, М.Горький, Бальзак ва Жек Лондон сингари машҳур адибларнинг ижоди катта роль ўйнади. Уларнинг асарлари билан дастлаб таржималар орқали, кейинчалик Москвада ўқиб юрган чоғларида рус тилидаги нашрлари билан танишди. Рус насрий асарларининг шакл-у шамойили, мазмун-моҳиятидаги ифода йўсинлари адибга янада илҳом бахш этди.

<sup>1</sup> Х.Асоев. Развитие жанров в прозе на дари. –Душанбе.: 1987. –С.3-4.

<sup>2</sup> Фарид Бежанд. Кўрсатилган мақола. –Б.137., Иномхўжаев Р. Афғонистон дарийзабон адабиёти (XIX аср охири – XX аср). –Т.: ТДШИ нашр., 2018. 136-156.бетлар.



Адабиётшунос Х.Асозоданинг кўрсатишича, А.Ҳабиб, хусусан, М.Горький ижодига бўлган эътиборни шундай эътироф этади: «... мен ўзимни кўпроқ М.Горький олдида қарздор деб биламан, чунки унинг асарларини мутолаа қилиш адабиётга бўлган иймонимни, китоб ва инсонларга бўлган меҳримни мустаҳкамлади.»<sup>1</sup> Афғон ҳикоячилигининг тараққиётига турли мавзуларда ёзилган ҳикоялари билан ҳисса қўшган бу адиб, жанрнинг гўзал намуналарини юқорида таъкидлаб ўтган ёзувчилар таъсирида яратди. Унинг «سه مزدور» («Уч батрак») номли дастлабки тўпламига киритилган ҳикояларида инсоннинг руҳий кечинмаларини ва ижтимоий ҳаётни ҳаққоний акс эттиришга интилади. Адиб ҳар қадамда учрайдиган, ҳаётдаги оддий одамлардан фарқ қилмайдиган ҳикоя қаҳрамонларини уларнинг кичик оламига мос равишда тасвирлайди. У мавзу, замон, макон ва қаҳрамон сингари унсурларни ҳикояга мос ҳолатда ихчам ва лўнда ифода этади. Унинг кейинги ҳикоялари эса жанр имкониятларини янада кенгайтди. Услубий ранг-барангликка эришди ва дарий ҳикоянавислиги тараққиётига катта ҳисса қўшди.

70-йиллар Афғонистон дарийзабон адабиётининг яна бир пешқадам вакилларида бири **Адбулкарим Мисоқ** бўлиб, у дастлаб назмда, кейинчалик насрда баракали ижод қилди. Ёшлиги қийинчиликда кечган А.Мисоқ ўрта таълимни тузук ўқий олмади. Бир муддат муҳожир сифатида Германия ва Англияда яшади. Шундай бўлишига қарамасдан, у ижоддан воз кечмади, кўрган-кечирган машаққатларини қаламга олди. У ўндан ортиқ ҳикоялар тўпламини нашр эттирди. Ижодкор ҳикояларида ҳаётнинг оғир ва даҳшатли қирраларини қаламга олди. Ёзувчи ўзи бошидан кечирган, таниган-билган ёки эшитган воқеалари асосида асарлар яратди. Афғон халқи бошидан кечирган очарчилик, йўқчилик, турли машаққатлар ҳикоялар сюжетига асос қилиб олинди. Қашшоқ оилаларнинг ҳалоллиги, виждонийлиги, инсонпарварлиги сингари хислатларни адабий қаҳрамонлар сийратига сингдирди. Бундай ҳикоялардаги қаҳрамонлар ўз эркини қўмсаб, қарамликдан, мутеликдан кутулмоқни, озод ва эркин яшашни, ўзининг орзу-истагидагидек умр кечиришни чин дилдан исташарди. Бу истакларни қалбларининг туб-тубида сақлашади. «Бу ҳол айрим ҳикояларнинг номларида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, «Етти қисса» тўпламига кирган ҳикоялардан бири رنجهای دختر و یک سر نوشت» («Бир сиқим пул, бир қиз ва бир тақдир») деб аталади.» Айниқса, афғон кишлоғидаги содда одамларнинг ҳаёт тарзи, яшаш шароити «Хирмон», «Олма», «Ҳимоя», «Айбдор» сингари ҳикояларда ёрқин бўёқларда акс эттирилади. «Ҳимоя» ҳикоясида замон янгиланаётган бир даврда ҳам эскича фикрлайдиган одамлар борлиги ҳаётини воқеалар асосида очиб берилади. Фарзанд кутаётган аёл уч кунлик тўлғоқдан кейин жон беради ва эскилик сарқитининг аянчли қурбонига айланади. Афсуски бу ёзувчи ҳам Асадулла Ҳабиб каби Апрель инқилобининг пуч ғоялари билан алдандилар.

Даврнинг муаммоларини ўз ҳикояларида ёрқин тасвирлаган яна бир ёзувчи **Муҳаммад Олим Ифтихор** бўлиб, унинг ҳикояларида ҳам оддий ишчи-хизматчилар образига алоҳида ўрин берилади. 70-йиллар охирида дарийзабон насрда кўзга кўринган М.О.Ифтихор ҳикоя жанрида самарали ижод қилди. Ёзувчининг ҳаёти силлиқ, роҳат-фароғатда кечган эмас. У 1951 йилда Жузжон вилояти Санчорак туманининг Токзор кишлоғида фақир деҳқон оиласида туғилган. Шу сабабли ҳам у ҳикоя қилган воқеаларнинг аксарияти ўзи бошдан кечирган ҳаёт уринишлари бўлиб, ҳикояларининг биографик асосларини таъмин этган. Айниқса, тирикчилик йўлида

<sup>1</sup> Асозода Х. Адабиёти садаи XX-и форсии дари Афғонистон. Китоби дуввуми чилди II (Насри достони). – Душанбе, 1960. –Б.142.



турмушнинг шафқатсиз синовларидан изтироб чекаётган одам образи реал ҳаёт воқелигига асосланади. Бу эса Ифтихорнинг ҳаёт йўли шундай воқеалар, машаққатли ҳаёт йўлини кечирган афғон кишилари оралаб ўтганини кўрсатади. Унинг «گنرگاه آتش» («Оловли кечув») номли ҳикоялар тўпламида ана шундай қашшоқлашган афғон халқининг турмуш тарзи акс эттирилади. Адиб «در شاليزار» («Шолизорда») ҳикоясида ҳам ўзи билган-таниган деҳқон образини яратади. Ёзувчи бу образ орқали қишлоқнинг қолоқлиги, шарт-шароитларнинг яратилмагани, замонавий-ликдан йироқлиги сингари масалаларни очиб беришга ҳаракат қилади.

Бу ёзувчиларга замондош яна бир йирик адиб сифатида **Акрам Усмонни** тилга олишимиз мумкин. А.Усмон замондошларидан фарқли ўлароқ ўзига тўқ оилада таваллуд топган. Унинг ота-онаси фарзандининг илм олишига катта эътибор қаратади, «Истиклол», «Ҳабибия» лицейларида, кейинчалик Кобул университетида таҳсил олиши учун шароит яратиб беришади. У ҳуқуқшунослик касбини эгаллади, ҳатто шу соҳада докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Бўлажак адибнинг Кобул радиоси ва телевидениясидаги фаолияти ижодга бўлган меҳрини янада орттирди. А.Усмон мактабда ўқиб юрган пайтларидан ҳикоялар ёзишни машқ қила бошлаган эди. Унинг ҳикоялари газета-журналлар саҳифаларида университет таҳсилидан олдин дунё юзини кўрган эди. Бу ҳикоялар йиғилиб бориб 1985 йилда «وقتی که نی ها گل میکنند» («Қамишлар гуллаганда») номи остида илк тўплам сифатида нашр этилди. Шундан сўнг 1987 йилда «درز دیوار» («Девор ёриғи») ва 1988 йилда «مرداره قول اس» («Эркак сўзида туради») номли иккита ҳикоялар тўплами бирин-кетин кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди. Афғоншунос олим Х.Асоев А.Усмон ижодини замондош адибларга нисбатан фарқли эканини алоҳида эътироф этиб шундай ёзади: «Акрам Усмон учун ҳаётининг инсон, ҳақиқий ошиқ-у шайдолик, ишонарли низолар, ошиқлар ва оналарнинг аччиқ йиғиси, руҳан тушкун инсонлар сингари мавзулар муҳим ва асосий ҳисобланади.»<sup>1</sup> Шу жиҳатдан қараганда А.Усмон ҳам замонавий дариёзабон ҳикоячилигининг тараққиётига самарали ҳисса қўшган ёзувчидир.

Жамият ҳаёти ва миллат аҳли руҳиятида юз берадиган ўзгаришларнинг замонавий адабиётда акс этиши табиий ҳолдир. Чунки адабиётнинг асосини замондош инсон ва у яшаётган ҳаёт шароити тасвири ташкил этади. Ижодкорлар бугуннинг одами қалб товланишларини очишда у яшаган муҳитни восита қилмоқдалар. Ҳақиқатдан ҳам инсон дунёқара-шининг шаклланишида муҳитнинг аҳамияти катта. Инсон ижтимоий муҳитни яратади, аммо унинг тафаккури ҳамда руҳияти ана шу муҳит ва давр таъсирида шаклланиб боради. Шунга кўра, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар туфайли инсон онги ва унинг руҳияти ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларини намоён этиши мумкин.

Бугуннинг қахрамони, унинг дунёқараши ва табиатидаги даврга хос ўзгачаликлар Раҳна-вард Зарёб ҳикояларида ғоят бетакрор ифодасини топган. Ёзувчининг бир қатор ҳикоялари инсон руҳиятининг ана шундай жиҳатларини очишга йўналтирилгани билан ажралиб туради. Адибнинг ҳикояларида бир даврда яшаётган одамлар табиати акс эттирилганлиги сабаб ҳаётининг муаммоларнинг қахрамон руҳиятига таъсири тасвирида яқинлик бўлиши табиий.<sup>2</sup>

Барча халқлар адабиётида бўлгани каби, Афғонистон дариё ҳикоячилигининг ривожини ҳам аста-секинлик билан рўй берди. Ҳикоя қисса ва роман жанридан алоҳида жанр сифатида ажралди.

<sup>1</sup> Асозода Х. Адабиёти садаи ХХ-и форсии дариё Афғонистон. Китоби дуввуми чилди II (Насри достони). — Душанбе, 1960. —Б.133.

<sup>2</sup> Бу фикрни «Форс адабиёти энциклопедияси»га киритилган Раҳнавард Зарёб ҳақидаги маълумотнома ҳам тасдиқлайди. Қаранг: ۴۷۶، ص، دانشنامه ادب فارسی،



Замонавий дарийзабон ҳикоячилигининг етмиш йиллик тараққиёт босқичлари ҳақидаги кузатишларимизга якун ясар эканмиз шуни яна бир бор таъкидламоқчимизки, XX асрнинг иккинчи ўн йиллигида Маҳмуд Тарзий раҳнамолигида тамал тоши қўйилган ҳикоячилик анъаналари айнан 60-70-йиллар оралиғидан бошланган Асадулла Ҳабиб, Абдулкарим Мисок, Акрам Усмон, Раҳнавард Зарёб, Спужмай Зарёб, Бабрак Арғанд, Муҳаммад Олим Ифтихор, Русто Бохторий ва бошқа ўнлаб ёзувчиларнинг ҳикояларига келиб, мукаммал ва мазмуни нуқтаи назаридан ўзининг «шу даражада аниқ ва тиник» кўринишини касб этди.

Замонавий дарийзабон насрчилигининг етакчи жанрларидан бири ҳикоянинг илк бор шаклланишида учта омил муҳим роль ўйнади. Булар: халқ оғзаки ижодининг насрий турлари, узоқ тарихга эга бўлган форс-дарий ёзма адабиётининг насрий жанрлари ҳамда француз, турк, эрон ва рус адабиётининг насрчилигидаги тажрибалардир. Дарий тилидаги илк замонавий ҳикояларнинг шаклланишида Афғонистон маърифатпарварлик адабиётининг асосчиси, давлат ва жамият арбоби Маҳмуд Тарзийнинг адабиётшуносликка оид мақола ва таржималари, у асос солган «Сирож ул-ахбор» газетасининг роли ҳам катта бўлди. Айнан М.Тарзий саъй-ҳаракатлари билан Афғонистон ҳикоячилигининг дастлабки намуналари яратилди. Шу йиллари Абдулқодир Афанди, Муҳаммад Ҳусайн Жаландҳор ва Муртазо Аҳмад Муҳаммадзайлар томонидан ёзилиб нашр этилган учта йирик ҳажмдаги ҳикоялар дарий ҳикоянавислигининг илк тўлақонли асарлари деб тан олинган.



## АРУЗ НАЗАРИЯСИ БЎЙИЧА ЁНДАШУВЛАРДАГИ УМУМИЙЛИК ВА ТАФОВУТ

**ХУДЖАНОВА ДИЛДОРА**

PhD, ТДШУ



**Аннотация.** Мазкур мақолада аруз илми асослари бўлмиш жузв, рукн ва баҳрларнинг амалий аҳамияти ва таъкил топиши Маҳмуд Замахширийнинг «*Al-Qistās al-mustaqīm fī 'ilm al-'arūd*» ва Абу Ҳафс Насафий (1068–1142)нинг «*Muxtaṣar al-'arūd 'alā al-uṣūl al-ma'rūf*» рисолалари асарлари асосида кўриб чиқилади. Ҳар икки асар ҳам аруз тизимидаги энг кичик ритмик бирликлар ҳисобланадиган жузвлар таснифидан бошланади. Сўнг жузвлардан ҳосил булувчи рукнлар ҳақида сўз боради. Замахширий асарида рукнлар ўзига хос усулда таснифланган ва асл рукнлар сони 8 та берилган бўлиб, улар икки гуруҳга ажратилган. Замахширий асл рукнлардаги ўзгаришларни зиҳоф ва иллаларга ажратмасдан, уларнинг ҳар биридан тармоқ рукнлар ҳосил қилинган. Асарда ушбу ўзгаришларнинг ҳар бири таърифланиб, рукн пайдо бўлиши, ҳосил бўлган 8 та асл рукннинг жами 71 та рукнга тармоқланиши жараёни аниқ кўрсатиб берилган. Абу Ҳафс Насафий эса ўз рисоласида рукнлар таркибидаги харм ва хазм ҳодисасига алоҳида эътибор қаратган ва бу борада ўз илмий хулосаларини келтирган.

Аслий рукнлардан таркиб топган аруз баҳрларининг таснифи 3 қисмга бўлиниб, Маҳмуд Замахширий баҳрларнинг таркиб топишини батафсил ва ўзлаштириш учун қулай усулда баён қилган. Шунингдек, «*Al-qistās*» асарининг яна бир ўзига хос жиҳати унда «Байтлар тақтиғи» мавзусининг мисоллар билан батафсил ёритилганлигидир.